


**Ҳалқаро Бокс
Уюшмаси
Низом**



Тавсиф

1-Боб

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1-Модда. Ҳуқуқий ҳолат ва штаб қароргоҳ
- 2- Модда.Мақсад
- 3- Модда.Таҳқирлашга ножоиз
- 4- Модда. Низом, қоида, қарорларнинг кучга кириши
- 5- Модда. Расмий тиллар

2-Боб. АЪЗОЛИК

- 6- Модда. Аъзолик
- 7- Модда.Аъзоликка қабул ва четлатилиш
- 8- Модда. Аъзони қабул қилиш, четлатиш ва составдан чиқаришга жавоб берувчи орган
- 9- Модда. Расмий талаб ва бажариладиган иш тартиби
- 10- Модда.Қабулнинг оқибатлари
- 11- Модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари
- 12- Модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари
- 13- Модда.Аъзолик органи фаолиятига ҳар қандай ташқи аралашув мустаснодир
- 14- Модда. Ваколатдан соқитлик
- 15- Модда.Таркатув
- 16- Модда. Четлатув
- 17- Модда. Составдан чиқариш

3-Боб. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ, ФАХРИЙ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗО

- 18- Модда. Унвонлар

4-Боб. КОНТИНЕНТАЛ КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР

- 19- Модда. Тавсиф, Ҳуқуқ ва мажбуриятлар

5-Боб. Ташкиллаштириш

- 20- Модда. Органлар

А. Конгресс

- 21- Модда. Таркиб

22- Модда.Ваколатлар

23- Модда. Навбатдаги ва навбатдан ташқари конгресс

24- Модда. Навбатдаги ва навбатдан ташқари конгресс хақида билдиришнома

25-Модда. Кун тартиби

26-Модда. Конгресснинг ўтказилиш тартиби

27-Модда. Овоз бериш

28-Модда. Кворум

29- Модда. Қарорга кўра овоз бериш.

30- Модда. Қарорни кучга кириш муддати

31-Модда. Сайловларда овоз бериш

32-Модда. Баённомалар

В. Ижроия қўмитаси, Президент, ИҚ бюроси

33-Модда. Ижроия қўмита таркиби

34-Модда. Номзодларнинг Президентлик ва Ижроия Қўмита таркибига яроқлилиги

35-Модда. Номзодни танлаш таомили

36-Модда. Ваколат муддати

37-Модда. Ижроия қўмита ваколатлари

38-Модда. Президент ваколатлари

39-Модда ИҚ бюроси

40-Модда. Кенгаш

41-Модда. Кворум

42-Модда. Ижроия Қўмита ва ИҚ Бюросининг овоз бериш ҳуқуқи

43-Модда. Имзо.

С. Доимий Комиссия

44-Модда. Рўйхат, таркиб ва мажбуриятлар

45-Модда. Операцион қоидалар

Д. Юридик органлар

46-Модда. Қисмлар

Е. Штаб қароргоҳ ва Ижрочи Директор

47-Модда. штаб қароргоҳ

48-Модда. Ижрочи раҳбар

6-Боб. МОЛИЯ.

49-Модда. Молиявий давр

50-Модда. Даромадлар

51-Модда. Харажатлар

52-Модда. Бухгалтерьлик ҳисобининг принциплари

53-Модда. Ташқи аудиторлар

7-Боб Мусобақа, турнир ва тақвим

54-Модда. Мусобақаларга ҳуқуқ ҳамда, бошқа турнирлар

55-Модда. Ҳалқаро мусобақалар

56-Модда. Тақвим

8-Боб ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР

57-Модда. Интизомий чоралар

58-Модда. Вақт бўйича чеклов

9-Боб ТАШҚИ ЮРИДИК ОРГАНЛАРНИНГ АИБА ОРГАНЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИ

59-Модда. Спорт ҳакамлик суди (CAS)

60-Модда. CAS эътирофи

61-Модда. АИБА қарорларининг ижроси

62-Модда. Санкциялар

10-Боб. ТАРҚАТУВ

63-Модда. Тарқатиш тартиби

64-Модда. Активларни тугатиш.

11-Боб. ЎТИШ ДАВРИ ВА ЯКУНИЙ ТАРТИБ

65-Модда. Фойдаланиш ҳуқуқи

66-Модда. Ўтиш даври қоидаси

67-Модда. Қабул ва кучга кириш санаси.

Тавсиф

Куйида бир қанча атамаларнинг маъноси келтирилган:

1. АИБА : Халқаро Бокс Уюшмаси
2. Конфедерация: АИБА томонидан тан олинган, бир қитъага мансуб Миллий Федерациялар бирлашмаси
3. Конгресс: АИБАнинг юқори қонун чиқарувчи органи
4. Ижроия қўмита: АИБАнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органи
5. Аъзо: АИБА Конгресси томонидан тасдиқланган Миллий Федерация
6. Расмий шахслар: Ижроия қўмитанинг ҳар қандай аъзоси, Комиссия аъзоси, бош судья, тренер, секундант, шунингдек, АИБА, Конфедерация, Миллий Федерация, клубнинг техника, тиббий хизмат ва маъмурий масалалари учун жавобгар шахслардир.
7. Боксчи: АИБА аъзоси ҳисобланган, Миллий Федерация томонидан лицензияланган ҳар қандай боксчи
8. Бокс: АИБА томонидан нашр этилган техник қоидаларга мувофиқ ташкил қилинган ва амалда татбиқ этилган АИБА назорати остидаги спорт тури

Ҳар қандай турдаги сўзлар шундай мазмунга эга
Хозирги (ҳақиқий) низомни қоидалар тўлдириб туради.

1-Боб. Умумий қоидалар

1-Модда. Ҳуқуқий ҳолат ва штаб қароргоҳ

1. Халқаро Бокс Уюшмаси. (АИБА) -Швейцария Фуқаролик Кодексининг 60 ff моддасига мувофиқ Уюшмадир .
2. АИБАнинг фаолият юритиш муддати чекланмаган. Уюшма сиёсат ва динга нисбатан холисдир.
3. АИБАнинг штаб- қароргоҳи Лозанна шаҳри (Швейцария) да жойлашган. Ижроия Қўмита қарорига кўра қароргоҳ бошқа қулай жойга кўчирилиши мумкин.

2-Модда. Мақсад

АИБАнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- а) маориф, маданият, спорт тизимида бокснинг спорт тури сифатида бутун дунё миқёсида ривожлантириш, оммалаштириш, мукаммалаштириш ҳамда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурларни ташаббуслаштириш;
- б) АИБА ва унинг Аъзолари ёки Конфедерация томонидан белгиланган тартибда ташкил қилинган мусобақаларда, АИБА томонидан белгилаб берилган бокс бошқарувининг тартибга солувчи техник қоидаларига риоя қилинишини кузатиб бориш;
- с) Ўзининг халқаро мусобақаларини ташкил этиш
- д) АИБА Аъзолари томонидан очилган барча халқаро мусобақаларни, АИБА қоидаларига мувофиқ ўтказилаётганини кузатиб бориш;

- е) АИБА Устави, қоидалари, кўрсатмалари, этика Кодекси, техник қоидалар ва қарорларларида кўзда тутилган фаолиятларни амалга ошириш учун боксинг барча чора ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу спорт турини тартибга солиш;
- ғ) АИБА Аъзоларининг АИБАга, ўзларига нисбатан бўлган маанфаатларини ҳимоя қилиш;
- г) боксчиларнинг манфаатлари ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш;
- ҳ) Расмий шахслар ва техник вакилларнинг ўқув-машғулот сифатини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- и) халқаро бокс Федерациялар ҳаракатини бирлаштириш ва мувофиқлаштиришга кучини йўналтириш;

3-Модда. Таҳкирлашга йўл кўйилмайди.

Ҳар қандай белги – жинс, ирқ, тана ранги, тил, дин, сиёсий ёки бошқа қарашлар, ижтимоий келиб чиқиши бўйича таҳкирлаш қатъиян тақиқланади ва вазифадан четлатиш ёки сургун қилиш каби чоралар кўрилади.

4-Модда. Низом, қарор, қоидаларнинг кучга кириши

Конфедерация Аъзолари, клублар, расмий шахслар шунингдек, бокс билан боғлиқ ҳар қандай шахс ёки ташкилот АИБАнинг низоми, қонун-қоидалари, кўрсатмалари, этика Кодекси, шартнома ва қарорлар, шунингдек, Халқаро Антидопинг ваколатхонаси кодексига риоя қилишлари мажбурийдир.

Барча Аъзолар, Конфедерация ва бокс клубларининг Низоми юқорида кўрсатилган моддани сўзсиз тан олишлари керак. Ўзларининг низомларида;

- АИБАнинг низоми, қонун-қоидалари, кўрсатмалари, этика Кодекси, шартнома ва қарорларини бажаришлари тўғрисида алоҳида модда киритишлари;

- расмий шахслар, спортчилар ва бокс спорт тури билан боғлиқ шахс ёки ташкилот АИБА Низомига риоя қилиши зарурлиги тўғрисида модда киритишлари лозим.

5-Модда. Расмий тиллар

1. Инглиз, француз, араб, ҳамда рус тиллари АИБА Конгрессининг расмий тиллари ҳисобланади.
2. Инглиз ва француз тиллари баённомалар, ёзишмалар, эълон ва қарорлар учун маъмурий тиллар ҳисобланади. Аъзолар ўз давлат тили таржимаси учун жавоб берадилар.
3. Низом, қоида, кўрсатма, этика Кодекси ҳамда, Техник қоидалар инглиз ва француз тилларида ёзилади. Номувофиқлик юз берган ҳолда инглиз тилидаги матн устун кўйилади.
4. Мутахассис таржимонлар расмий тилларга таржимани амалга оширишади. Танланган Миллий Федерация, Конгресснинг расмий тилларидан бирига таржимани амалга оширган тақдирда, вакиллар ўз она тилларида сўзлай оладилар.
5. Одатда, Ижроия Кўмита йиғилиши инглиз тилида ўтказилади. Кўпчилик аъзолар йиғилишни француз тилида олиб бориши ҳолатидан ташқари, юқоридаги талаб Комиссиянинг бошқа ўтказадиган йиғилишларига ҳам тааллуқлидир

2-Боб. Аъзолик

6-Модда. Аъзолик

1. Ўз давлатида боксни спорт тури сифатида тартибга солувчи, Конгресс томонидан тан олинган ҳар қандай Миллий Федерация АИБА аъзоси бўла олади.
2. АИБА ҳар бир давлатда фақатгина битта Миллий Федерацияни тан олади.

3. Аъзо, АИБА томонидан тан олинмаган бошқа қитъа ёки бутун жахон Бокс Федерациясига танланиш ҳуқуқига эга эмас.

7-Модда. Аъзоликка қабул ва четлатилиш

1. Федерацияга аъзолик АИБА тасдиқлаган қарорига биноан амалга оширилади;
2. Қуйидаги ҳоларда аъзолик тўхтатилади:
 - Аъзо ўзининг ваколатини соқит қилганда;
 - АИБА томонидан озод этилганда;
 - Миллий Федерацияси тарқатилганда.

8-Модда. Аъзони қабул қилиш, четлатиш ва составдан чиқаришга жавоб берувчи орган

1. Ижроия қўмита тавсиясига кўра, Конгресс базадаги Аъзони қабул қилиш, четлатиш ва составдан чиқариш каби қарорларни қабул қилади.
2. Ижроия Қўмита Қарори билан Аъзони четлатиш зарурияти туғилганда амалга оширилади.

9-Модда. Расмий талаб ва қабул тартиби

1. АИБАга аъзо бўлишни истаган ҳар қандай Миллий Федерация ёзма ариза, сўралган ҳужжатлар асосида АИБА штаб-қароргоҳига мурожаат қилади.
2. Ижроия қўмита Федерация фаолияти туғрисида тайёрлаган ҳисоботини Конгрессга тақдим этади. Қабул билан мурожаат қилган Федерация Конгрессга мурожаат қилиши мумкин.
3. Конгресс ушбу Федерацияни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини ҳал этади.
4. Қабул тартиби тафсилотлари қоидалар орқали тартибга солинади

10-Модда. Қабул натижаси

Янги Аъзо Конгресс томонидан аъзоликка қабул қилиш масаласи ҳал бўлгандан сўнг ва аъзолик бадали тўлангандан кейин келгуси йилнинг биринчи январидан бошлаб аъзолик ҳуқуқ ва мажбуриятлариги эга булади.

11-Модда. Аъзо қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- a) Конгресс томонидан утказиладиган тадбирларда қатнашиш ва кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш;
- b) Конгресснинг ўрнатилган муддатдаги кун тартиби тўғрисида огоҳлантирилиш;
- c) Конгресс кун тартибига таклифлар киритиш;
- d) АИБА Президентлик лавозимига номзодларни таклиф этиш;
- e) АИБА томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда иштирок этиш;
- f) АИБА Устави, қоидалари, кўрсатма ва қарорларига таалуқли ҳуқуқларни амалга ошириш.

12-Модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари

- a) АИБА фаолиятига зарар етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- b) АИБА раҳбарлигидаги органларнинг Низоми, қоида, кўрсатма ва қарорлари шунингдек, Спорт арбитраж суди (CAS) нинг қарорларига доимо амал қилиш;
- c) Миллий Федерация ўзининг миллий аъзолари ҳисобланган; расмий шахслар, клублар, спортчилар, бокс спорт турига алоқадор шахс ёки ташкилот, АИБА раҳбарлик қилаётган органларнинг Устав талаблари, қоида, кўрсатма, раҳбар органларнинг қарорлари шунингдек, CAS нинг қарорларига риоя қилишларини кузатиб боришлари лозим. Ушбу модда ҳар бир Миллий Федерациянинг Уставига киритилиши шартдир;
- d) АИБА томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда иштирок этиш;

- е) АИБА, АИБАнинг Конфедерацияси ва Аъзолари томонидан қабул қилинган Устав, қоида ва қарорлари билан боғлиқ бўлган баҳс ва мурожаатларни ҳал этишда ёрдам олиш учун CASга мурожаат қилишларини ўз Уставларида акс эттириш;
- ф) Миллий Федерация уз Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, АИБАга тасдиқ учун тақдим этади. Устав ёки киритилган ўзгартиришлар АИБА тасдиғидан сўнг кучга киради;
- г) АИБА томонидан белгиланган тартибда аъзолик бадаллари ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш;
- ҳ) Боксни спорт тури сифатида тартибга солувчи қоидаларга риоя қилиш.

13-Модда. Аъзолик органи фаолиятига ҳар қандай ташқи аралашув мустаснодир

1. Ҳар бир Аъзо сайлаш ва тайинлаш жараёнида ташқи таъсирни ман этувчи, Уставга эга бўлиши шарт.
2. 1 бобда кўрсатилган тартиб буйича Миллий Федерацияга тайинламаган ҳар қандай расмий шахс, АИБА томонидан тан олинмайди.
3. 1 бобда кўрсатилган тартиб бўйича тайинланмаган Аъзо қабул қилган қарор, АИБА томонидан тан олинмайди.

14-Модда. Ваколатдан соқитлик

1. Аъзо ваколатини соқит қилганда, АИБА аъзолигини йўқотади.

15-Модда. Тарқатув

Агар Миллий Федерация фаолияти тўхтатилса, Миллий Федерация АИБА аъзолигидан маҳрум бўлади.

16-Модда. Четлатув.

1. Фаолиятидан четлатилган Аъзо, четлатув муддатида, беихтиёр аъзолик ҳуқуқини йўқотади.
2. Четлатилаган Аъзо билан, бошқа аъзолар спорт алоқаларини ўрната олмайди.
3. Навбатда ўтказилаётган Конгресс вақтида, бадалларни тўламаган Аъзо четлатилади.

17-Модда. Составдан чиқариш

1. Фаолиятидан четлатилган Аъзо, беихтиёр АИБА аъзолигидан чиқарилади.
2. Миллий Федерация аъзолиги қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:
 - АИБА Устави, қоида ва қарорларини жиддий равишда бузганда;
 - Такроран АИБА Устави, қоида ва беихтиёр равишда бузганда;
 - Иккита огоҳлантиришга қарамай, АИБА олдида ўз молиявий мажбуриятларини бажармаганда;
 - боксни спорт тури сифатида ўз давлатида тан олмаганда.

3-Боб. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ, ФАХРИЙ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗО

18-Модда. Берилган унвонлар

1. Конгресс Ижроия Қўмита таклифига кўра, ҳар қандай шахсга бокс олдидаги атоқли хизматлари учун, фахрий Президент, фахрий вице-президент ва фахрий аъзо унвонини бериши мумкин.
2. Фахрий Президент, фахрий вице-президент ва фахрий аъзо Конгресс, йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича музокараларда иштирок этиши мумкин, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

4-Боб. Континентал Конфедерациялар.

19-Модда. Тавсиф, Хуқуқ ва мажбуриятлар

1. Бир қитъага мансуб Миллий Федерациялар, АИБА томонидан тан олинган қуйидаги Конфедерацияларни шакллантирдилар;
 - a) Африка Бокс Конфедерацияси (AFBC)
 - b) Америка Бокс Конфедерацияси (AMBC)
 - c) Осиё Бокс Конфедерацияси (ASBC)
 - d) Европа Бокс Конфедерацияси (EBC)
 - e) Океания Бокс Конфедерацияси (OBC)
2. АИБА ҳар бир қитъадан фақат битта Конфедерацияни тан олади.
3. Конфедерация қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - a) АИБА рухсати ва координациясига таяниб, ўзининг яқка қитъавий айниқса, ёшлар учун мусобақаларини ўтказиш;
 - b) Ўз вазифаларини бажариш учун, зарур бўлган фондлар фаолиятини таъминлаш.
4. Конфедерациянинг мажбуриятлари;
 - a) АИБанинг Устав, талаб ва бошқа қарорларини бажариши ва риоя этиши;
 - b) мақсадларга эришиш учун АИБА билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;
 - c) АИБА томонидан белгиланган тартибда бокс бўйича мусобақаларни ташкил этишда АИБА билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;
 - d) бокс фаолияти манфаатлари йўлида, АИБА билан ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш;
 - e) АИБанинг талабига кўра, бокс фаолиятини ривожлантириш учун, тегишли қитъада тадбир, жумладан, ривожланиш учун дастурлар, семинар, конференция ҳамда курслар ташкил этиш;
 - f) АИБанинг талабига кўра ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур фондларни таъминлаш.
5. Конфедерациялар ўзларининг Низом ва қоидалари, ҳамда ушбу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиб, АИБА тасдиғи учун тақдим этадилар. Низом ва қоидалар АИБА тасдиғидан сўнг, кучга киради.
6. Конфедерациялар 2007 йил 22 октябрда АИБанинг навбатдан ташқари йиғилишида қабул қилинган қарорларига мувофиқ амалдаги Устав ва қоидаларини, АИБАга тақдим этишлари лозим.

5-Боб. Ташкил этиш.

20-Модда. Органлар.

1. АИБанинг бошқарув органлари;
 - a) Конгресс;
 - b) Ижроия Қўмита, Президент, Ижроия Қўмита бюроси (ИҚ бюроси)
 - c) Уставда тавсифланган Юридик органлар
2. Доимий ва махсус Комиссиялар, АИБанинг юридик органлари ҳисобланмайди. Улар Ижроия Қўмитага вазифаларини бажариши учун маслаҳат ва кўмак беришади. Уларнинг тартиб ҳамда вазифалари алоҳида регламент билан белгиланади.

А. Конгресс.

21-Модда. Таркиб.

1. Конгресс- мунтазам тарзда олиб бориладиган Аъзолар йиғилишидир.
2. Ҳар бир аъзо энг кўпи уч нафар вакил орқали тавсия этилиши мумкин. Вакиллар Аъзоларнинг муносиб органлари томонидан таинланган бўлиб, фақатгина Аъзоларга тегишли бўлади.
Вакиллар бир вақтнинг ўзида бир неча вакилларни тақдим эта олмайдилар.
3. Президент, Ижроия Қўмита Аъзолари ҳамда, АИБАнинг маъмурий ходимлари Конгрессда йиғилиб, мунозара олиб боришлари мумкин.

22-Модда. Ваколатлар

Конгресс юқори орган ҳисобланади. Конгресс ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- a) Устав ва қоидаларга, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун овоз бериш;
- b) Ҳар 4 йилда Президент, Вице-Президент ва Ижроия Қўмитанинг бошқа Аъзоларини лавозимга тайинлаш;
- c) Ўтган Конгресс баённомасини тасдиқлаш;
- d) аудиторлар томонидан текширилган баланс ҳамда, фойда ва зарар даромадлар ҳақидаги ҳисоботни имзолаш;
- e) ташқи аудитлар ҳисоботи эшитилгандан сўнг, Ижроия Қўмитани тарқатиб юбориш;
- f) бюджетни тасдиқлаш;
- g) Аъзоларнинг йиллик тўловлари тўғрисида қарор қабул қилиш;
- h) Ижроия Қўмита тавсиясига кўра, ҳар икки йилда малакали ташқи аудиторларни таинлаш;
- i) Ижроия Қўмита таклифига кўра, Фахрий Президент, Фахрий Вице-Президент ҳамда, Фахрий Аъзони лавозимига тайинлаш;
- j) АИБА аъзолигига қабул қилиш, четлатиш ва аъзоликдан чиқариш масалаларини ҳал этиш;
- k) Ижроия Қўмита аъзосини лавозимидан озод этиш;
- l) АИБАни тарқатиб юбориш.

23-Модда. Навбатдаги ва Навбатдан ташқари Конгресс

1. Конгресс Навбатдаги ёки Навбатдан ташқари бўлиши мумкин.
2. Навбатдаги Конгресс ҳар тўрт йилда ўтказилади.
3. АИБА Аъзоларининг бешдан бир қисми ёзма равишда навбатдан ташқари Конгресс чақириғи тўғрисида расмий талаб киритса, Ижроия Қўмита 3 ой муддат ичида Навбатдан ташқари Конгрессни ўтказиши мумкин. Тақдим этилган расмий талаб бандида кўриб чиқиладиган масалалар лойиҳаси илова қилинган кун тартиби ҳамда, чақириқнинг сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим.
4. Ижроия Қўмита, Конгресс ўтказилиш жойи ҳамда, вақтини белгилайди. Чақириқ муддати ва кун тартиби Навбатдаги йиғилиш ўтказилишидан камида тўрт ой аввал, Навбатдан ташқари йиғилиш ўтказилишидан камида уч ой аввал ёзма хабарнома орқали Аъзоларга етказилиши лозим.

24- Модда. Навбатдаги ва навбатдан ташқари конгресс ҳақида билдиришнома

Ҳар қандай Конгресс ўтказилиш тўғрисидаги расмий билдиришнома ёзма равишда амалга оширилади:

- a) Конгресс ўтказилиш тўғрисидаги расмий билдиришнома Навбатдаги Конгресс ўтказилиш кунидан камида 2 ой олдин эълон қилиниши лозим. Йиғилиш кун тартиби, Президент ҳисоботи, молиявий ҳисобот, ташқи аудиторлар ҳисоботи шунингдек, бошқа зарур ҳужжатлар билдиришномага киритилиши лозим.

б) Конгресс ўтказилиш тўғрисидаги расмий билдиришнома Навбатдан ташқари Конгресс ўтказилиш кунидан камида 1 ой олдин эълон қилиниши лозим. Билдиришномага йиғилиш кун тартиби ҳамда, бошқа зарур ҳужжатлар киритилиши лозим.

25-Модда. Кун тартиби

1. Ижроия Қўмита Навбатдаги Конгрессда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича кун тартибини тайёрлайди. Ҳар бир Аъзо Ижроия Қўмитага ёзма таклифини Конгресс ўтказилиш муддатидан 3 ой олдин тақдим этиши мумкин. Қисқача мазмуни кўрсатилган таклиф, 5 нафардан кам бўлмаган Аъзолар томонидан ёзма равишда қўллаб-қувватланиши лозим.
2. Ижроия Қўмита Навбатдан ташқари Конгрессни чақирса, йиғилишдада кўриб чиқиладиган масалалар бўйича кун тартибини тайёрлайди.
3. Конгресс кун тартиби ўзгартирилмайди. Конгресс кун тартибида, Конгресс чақириш талабини қўйган Ижроия Қўмита ва унинг Аъзолари ҳамда, Миллий Федерациялар таклифи акс эттирилиши лозим.

26-Модда. Конгрессни ўтказиш

1. Конгрессда Президент раислик қилади. Президент ҳар бир Конфедерациядан 5 нафар мандат комиссияси аъзоси ҳамда, ўзаро мувофиқлик учун Штаб-қароргоҳ хизматчисини таинлайди.
2. Вакилларга сўз навбати берилади.
3. Конгресс ўтказишнинг батафсил таркиби низом тартиби орқали изоҳланади.

27-Модда. Овоз бериш

1. Ҳар бир Аъзо Конгресс йиғилиши кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан битта овозга эга. Аъзога тегишли бўлган овоз, унинг ишонган вакили орқали амалга оширилади. Ушбу вакил овоз бераётган Аъзога тегишли бўлиши ва Аъзога тегишли бўлган ваколатли орган томонидан таинланиши лозим. Ижроия Қўмита Аъзолари мандат даврида вакилар томонидан таинлана олмайди.

Президент, Ижроия Қўмита Аъзолари, Фахрли Аъзолар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2. Йиғилишда иштирок этаётган Аъзоларгина овоз бериш ҳуқуқига эга. Ёзма ваколатнома ёки почта орқали овоз бериш мумкин эмас. Ҳеч қайси вакилни мажбурлаб овоз беришига йўл қўйилмайди.
3. Сайлов ёпиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.
4. Овоз беришни талаб қилувчи ҳар қандай масала, қўл кўтариб овоз бериш ёки овозларни электрон ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Агарда, қўл кўтариб берилган овозларнинг катта қисми қабул қилинадиган қарор фойдасини кўрсатмаса, овоз бериш йўли рўйхат орқали амалга оширилади. Бу ҳолда, Аъзолар инглиз алифбоси бўйича чақирилади.

28-модда. Кворум

Навбатдаги ва Навбатдан ташқари Конгресс йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга, ИҚ Аъзоларининг эллик фоиздан кўпроқ қисми (Аъзоларнинг ярми ва яна бир Аъзо) иштирок этганда овоз бериш ҳақоний саналади.

29- Модда. Қарорга кўра овоз бериш.

1. Конгресс кун тартибига киритилган масалалар бўйича қарор қабул қилади .

2. Агар Уставга баъзи бир ҳоллар киритилмаган бўлса, овоз ҳаққоний бўлиши учун белгиланган ва қонуний овозларнинг мутлақо кўпчилик қисми (овозларнинг ярми ва бир овоз) керак бўлади. Уставга ўзгартириш киритиш учун овоз бериш, қонуний овознинг учдан икки қисми берилса, ҳаққоний ҳисобланади. Азонинг лавозимга таинланиши, четлатилиши ва лавозимдан озод этилиши тўғрисидаги қарор учун қонуний овозларнинг учдан икки қисми овоз берган тақдирда амалга ошади. Бетараф ҳамда, қонуний кучга эга бўлмаган овозлар кўпчилик овозини ҳисоблаш даврида ҳисобга олинмайди.
3. Барча Аъзолар томонидан қабул қилинган масала, Конгресснинг қонуний қарори саналади.

30-Модда. Қарорни кучга кириш муддати

Конгресс қарорнинг кучга кириш муддатини аниқламаган ёки Ижроия Қўмига муддатни таинлаш ваколатини бермаган бўлса, Конгресс томонидан қабул қилинган қарорлар, Конгресс йиғилиши тугаши билан кучга киради.

31-Модда. Сайловларда овоз бериш

1. АИБА Президентини сайлаш учун қонуний овозларнинг мутлақо кўпчилик қисми (овозларнинг ярми ва бир овоз) биринчи сайловда керак бўлади. Иккинчи ва кейинги сайловларда, сайлов рўйхатидан иккитадан ортиқ номзод кўрсатилган бўлса, иккита номзод қолмагунча, энг кам овозни кўлга киритган номзодларнинг сайловда иштироки тўхтатилади.
2. Ҳар қандай бошқа сайловларда тегишли ва қонуний кўпчилик овозни кўлга киритиш етарлидир. Қолган ўринлар энг кўп овоз тўплашга муваффақ бўлган номзодлар шртасида тақсимланади. Конгрессда овозлар тенг бўлган ҳолда Президент овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

32-Модда. Баённомалар

Конгресс умумий йиғилишида, баённомаларни инглиз ва француз тилларида олиб борилишига Ижроичи директор ёки Штаб-қароргоҳ жавоб беради. Конгрессдан икки ой муддат ичида баённома барча Аъзоларга юборилади.

В. Ижроия Қўмига, Президент, ИҚ Бюроси

33-Модда. Ижроия Қўмига таркиби.

1. Ижроия Қўмига Конгресс томонидан таинланган бўлиб, 15 нафар Аъзони ташкил этади: 1. Президент, 5 нафар вице-президентлар (Конфедерациядан алоҳида танланган биттадан Аъзо), 9 нафар Аъзолар (Ҳар бир Конфедерациядан кўпида 3 нафар) Президент таклифига кўра, Ижроия Қўмига вице-президентлардан бирини, Ижроичи Вице-Президент лавозимига таинлаш ҳуқуқига эга.
2. Ижроия Қўмига алоҳида ҳолатларда, шахсан қўшимча равишда Аъзоларни далил асосида таинлаши мумкин. Қўшимча равишда таинланган Аъзолар, йиғилишларда иштирок этади, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
3. Ижроия Қўмитанинг ҳар бир Аъзоси алоҳида Миллий Федерацияни таништириши лозим. Ижроия Қўмига Аъзоси, АИБА юридик органининг Аъзоси ҳисобланмайди.

34-Модда. Номзодларнинг Президентлик ва Ижроия Қўмига таркибига яроқлилиги

1. Президентлик номзодларига қўйиладиган талаблар:

- ўз фикрини инглиз ёки француз тилида эркин баён эта олиш;
 - белгилаб қўйилган тўла тўрт йиллик Ижроия Қўмита аъзолик мандатига эга бўлиш;
 - АИБА қоидаларини қўпол бузганлиги этироф этилиб, жиноий ишга тортилган шахслар номзод сифатида Президентлик сайловида иштирок эта олмайди.
 - 2. Шахсий, оилавий ёки бошқа боксга алоқадор манфаатга эга шахс Ижроия Қўмита ёки Президентлик лавозимига сайланмайди.
 - 3. Миллий Федерациялар Аъзолик лавозимлари номзодларини тавсия этадилар. Тавсия этилган номзод ўз Миллий Федерациясида Аъзо ҳисобланади. Президентликка кўрсатилган номзодлар 20 нафардан кам бўлмаган Аъзоларнинг ёзма равишда овозига эга бўлиши керак.
 - 4. Ижроия Қўмита ёки Президентликка номзодини кўрсатишни истаган Миллий Федерация ёки Конфедерация ходими, номзод бўлишидан аввал эгаллаб турган лавозимдан истеъфога чиқиши лозим.
 - 5. Миллий Федерация
 - 6. Биринчи Президентлик муддатига тавсия этилган барча номзодлар Конгрессда иштирок этишлари лозим.
 - 7. Президент ҳамда, Ижроия Қўмита Аъзоси профессионал бокснинг ташқи ташкилотларига аъзо бўла олмайди.
- Профессионал бокснинг ташқи ташкилот аъзоси АИБА аъзоси бўла олмайди.

35-Модда. Номзодни танлаш таомили

1. Штаб-қароргоҳ, Конгресс ўтказилиш муддатидан олтмиш кун аввал, умумий вазият тўғрисида Миллий Федерация (Аъзо)ларга хабар беради.
2. Сайловда иштирок этадиган номзодлар номи буюртма хат орқали АИБАга тақдим этилади. Конгресс бошланишидан ўттиз кун аввал номзодлар рўйхати қабул қилинмайди. Муддатдан кечиккан номзодлар буюртмаси инобатга олинмайди.
3. Номзодлар буюртмаси қабул куни тугагандан сўнг, номзодлар рўйхати яқин иш куни ичида барча Аъзоларга етказилади.

36-Модда. Ваколат муддати

1. Ижроия Қўмита ваколоти уни таинлаган Конгресс ёпилиш муддатидан бошлаб тўрт йил ҳисобланади.
2. Президент уч маротаба, Ижроия Қўмита аъзоси эса, тўрт маротаба сайланиш ҳуқуқига эга. Ижроия Қўмита аъзоси Президент лавозимига сайланса, у ҳолда унинг аъзолик ваколат муддати ҳисобга олинмайди.
3. Ижроия Қўмита Аъзосини ўзгартиришга зарурат туғилганда, Президент ваколоти белгиланган муддатгача амал қилувчи аъзони таинлайди.

37-Модда. Ижроия қўмита ваколатлари

Ижроия Қўмитанинг мутлақ ваколатлари:

- a) АИБА фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- b) Конгресс томонидан муҳим масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларни бажаради;
- c) АИБА Устави талаблари қоидаларига риоя қилинишини назорат қилади;
- d) АИБА Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни тайёрлаб, Конгрессга тақдим этади;
- e) Ижроия Қўмита зарур бўлганда, Президент, тегишли Комиссия талаби ёки ўз ташаббуси билан доимий ва махсус Комиссия учун алоҳида регламент ишлаб чиқади;
- f) Президент таклифига кўра, юридик орган аъзоларини таинлайди;
- g) АИБА қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

- h) АИБАнинг доимий Комиссия аъзоларини сайлайди;
 - i) Конгресс ўтказиш тартибини ташкил этади, АИБА фаолиятига оид масалаларни Конгресс Аъзолари умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлайди;
 - j) ИҚ АИБАнинг асосий мусобоқалари ўтказилиш муддати ва жойи тўғрисидаги қарорни қабул қилади;
 - k) ташқи аудитор томонидан тақдим этилган, йиллик бюджет, йиллик ҳисоботларни тасдиқлайди;
 - l) Ижроия Қўмита қарорига кўра, бюджетда кўзда тутилмаган харажатларни тасдиқлайди;
 - m) Ижроия Қўмита аъзоси, бошқа орган ёки доимий комиссиялар ваколатларини тўхтатиш;
 - n) АИБАнинг бокс лигаларини ташкил этади.
2. Ижроия Қўмитага, бошқа орган ваколат доирасига кирмайдиган ваколатлар берилади.
3. Ижроия Қўмита ўз ваколатларини учинчи томонга тақдим эта олади.

38-Модда. Президент ваколатлари

1. Президент АИБАни таништиради. Президент, АИБА ва унинг Конфедерациялари, Аъзолари, ХОҚ, сиёсий органлар, шунингдек, халқаро спорт федерациялари ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқалар фаолияти учун жавоб беради.
2. АИБА Президентининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
 - a) Конгресс ёки Ижроия Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларни, штаб-қароргоҳ орқали бажариш;
 - b) штаб -қароргоҳ фаолиятини назорат қилиш;
 - c) Ижроия Қўмита ҳамда, ИҚ Бюроси йиғилишларини ўтказиш;
 - d) Конгресс, Ижроия Қўмита шунингдек, ИҚ Бюроси йиғилишларида раислик қилиш;
 - e) махсус комиссиялар тузиш ҳамда, уларнинг аъзоларини таинлаш;
 - f) Конгрессга қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;
 - g) Комиссия Раиси, Раис ўринбосари, юридик органларни лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
 - h) АИБА Ижрочи директорини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
 - i) Президент (юридик комиссиядан ташқари) йиғилишларида иштирок этади, аммо овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
3. Президент вақтинчалик йўқ пайтида Ижрочи Вице-Президент, ёки вице-президент Президент вазифаларини бажаради.

39-Модда ИҚ бюроси

1. ИҚ Бюроси қуйидаги 5 та Аъздан иборат: АИБА Президенти, 3 та вице-президент шу қаторда, 1 та Ижрочи Вице-Президент ва Ижрочи Қўмита Аъзоси. Ижрочи Директор, ИҚ бюроси таркибига киради, аммо овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.
ИҚ Бюроси ваколатлари Ижрочи Қўмита ваколатларига тенг.
2. Президент ИҚ Бюро умумий йиғилишини чақиради ва йиғилиш кун тартибини ўрнатади. Президент йиғилишни видеоконференция ёки телефон конференция тартибида ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Зарурият туғилганда, электрон овоз бериш вазиятга мувофиқ деб топилади.
3. ИҚ Бюроси, Ижроия Қўмита йиғилишлари оралиғида Ижроия Қўмита томонидан қарорлар қабул қилади.

40-Модда. Кенгаш

1. Ижроия Қўмита ҳар йили камида 1 марта йиғилиш ўтказади. Ижроия Қўмита йиғилишини Президент олиб боради. Ижроия Қўмита Аъзоларининг учдан бир қисми йиғилиш

ташкил этиш тўғрисидаги талабни киритса, Ижрочи директор расмий талаб киритилган санадан йигирма кун ўтгандан сўнг йиғилиш чақиради. ИҚ Бюроси йиғилишини Президент олиб боради.

2. Президент йиғилишни видеоконференция ёки телефон конференция тартибида ўтказиш, шунингдек, овоз бериш йўлини ёзма / электрон тартибда ўтказиш ҳуқуқига эга.
3. Президент, Ижроия Қўмита умумий йиғилиш кўригига кун тартибини тайёрлайди. Ҳар бир Аъзо йиғилиш кун тартибига ўз таклифларини киритиши мумкин.
4. Президент зарур топганда, йиғилишга учинчи томонни таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда, учинчи томон овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

41-Модда. Кворум

1. Ижроия Қўмита, Аъзоларнинг 9 нафари иштирок этган тақдирда йиғилиш ўтказилади.
2. ИҚ Бюроси, Аъзоларнинг 3 нафари иштирок этган тақдирда йиғилиш ўтказилади.

42-Модда. Ижроия Қўмита ва ИҚ Бюросининг овоз бериш ҳуқуқи

1. Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан қабул қилинаётган қарорда ҳар бир Аъзо “розиман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” йўсинида овоз беради. Йиғилишда иштирок этаётган Аъзогина овоз бериш ҳуқуқига эга.
2. Ижроия Қўмита қарори Аъзоларнинг эллик фоиздан юқори қисми овоз берган тақдирда ҳаққоний ҳисобланади. Овозларни ҳисоблаш тартибида, овоз бермаган Аъзо ҳисобга олинмайди. Овозлар тенг бўлганда Президент овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
3. Ижроия қўмита ҳамда, ИҚ Бюроси умумий йиғилиш қарорларнинг кучга кириш муддатини аниқлайди.
4. Йиғилиш кун тартиби бўйича ихтилоф манфаатига эга бўлган Аъзолар, овоз бериш жараёнида бетараф бўлишлари лозим. Умумий йиғилишда кўрилаётган масала, Миллий Федерациялардан бирининг манфаатларига дахлдор бўлса ихтилоф манфаат юзага келади.

Президент, шубҳали вазиятлар юзага келганда, муносиб Аъзонинг овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

43-Модда. Имзо.

ИҚ Бюроси, АИБА томонидан ким имзо қўйиши масаласи тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

С. Доимий Комиссиялар

44-Модда. Рўйхат, таркиб ва мажбуриятлар

1. Қуйидаги доимий Комиссиялар 2010 йилга қадар фаолият юритишади:

- Молия Комиссияси;
- Техник Комиссия;
- Суд Комиссияси;
- Тиббий Комиссия;
- Мусобақалар ва ускуналар бўйича Комиссия;
- Ёшлар Комиссияси;
- Хотин-қизлар Комиссияси;
- Спортчилар бўйича Комиссия;
- Жамоат ишлари, маркетинг бўйича Комиссия;
- Ривожланиш бўйича Комиссия;
- АИБА Лига Комиссияси.

2. Барча мавжуд Комиссиялар 2010 йилга қадар фаолият юритади.
3. АИБА Лига Комиссияси ўз вазифасини бажаришга дарҳол киришади.
4. Ҳар бир Комиссия, Ижроия Қўмига тавсия киритиши мумкин.
5. Доимий Комиссияларнинг таркиб ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган масалалар, Ижроия Қўмига томонидан қабул қилинган махсус регламент орқали келишилади.
6. Ҳар бир Комиссия, ўзининг йиғилиш баёномалари шунингдек, Штаб-қароргоҳга тақдим этиладиган Комиссия фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари учун жавоб беради.
7. Комиссия Аъolari профессионал боксининг ташқи ташкилотларидаги лавозимда ишлаши мумкин эмас.

45-Модда. Операцион қондалар

1. Доимий Комиссия Раиси Ижроия Қўмига ёки, Миллий Федерация (АИБА) Аъзоси ҳисобланади. Доимий Комиссия Раиси керакли масала бўйича эксперт бўлиши лозим.
2. Ижроия Қўмитанинг овоз бериш тартибига таалукли бўлган моддалар, доимий Комиссияларга нисбатан қўланади. Ижрочи Директор доимий Комиссиянинг ҳар қандай йиғилишида иштирок эта олади аммо, овоз бериш ҳуқуқига эга булмайди..

Д. Юридик органлар

46-Модда. Қисмлар

1. АИБАнинг юридик органлари қуйидагилар;
 - Қонуний ҳуқуққа эга спортчиларнинг Комиссиялари;
 - Интизомий Комиссия;
 - Апелляцион Комиссия.
2. Ушбу органларнинг таркиб ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган масалалар, махсус регламент орқали ўрнатилади.

Е. Штаб -қароргоҳ ва Ижрочи Директор

47-Модда. штаб қароргоҳ

1. Штаб –қароргоҳ Ижрочи Директор бошчилигида фаолият юритади.
2. Штаб –қароргоҳ АИБАнинг кундалик бошқарув фаолиятига шунингдек, АИБА органлари, Комиссия ҳаракатларига жавоб беради.

48-Модда. Ижрочи Директор

1. Ижрочи Директор АИБАнинг маъмурий масалаларини ташкил этади ва ҳал этади.
2. Ижрочи раҳбарнинг мажбуриятлари:
 - Президентнинг кўрсатмаларига кўра қабул қилинган Конгресс, Ижроия Қўмига ва ИҚ Бюроси қарорларининг бажарилишини амалга оширади;
 - Ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширад шунингдек, АИБА ҳисобини олиб боради;
 - Ижрочи Директор, Конгресс, Ижроия Қўмига, ИҚ Бюроси йиғилиш баённомаларини қайд этади шунингдек, баённомалар қайд этиш тартибини доимий ва махсус Комиссиялар амалга оширишини назорат қилади;
 - АИБАнинг ёзишмалари учун жавоб беради;
 - Конфедерация, Аъзолар ва Комиссиялар билан алоқа ўрнатади;
 - Президент маъқуллагандан сўнг, штаб-қароргоҳ ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади.

6-Боб. МОЛИЯ.

49-Модда. Молиявий давр

1. АИБАнинг ҳисобот даври-бир тақвим йилидир. Конгресс томонидан тасдиқланган, молиявий ҳисобот даври ўз ичига тўрт йиллик муддатни олади.
2. АИБАнинг кирим ва чиқимлари молиявий муддатда, мувозанат сақлаган ҳолда олиб борилиши керак.
3. Ижрочи Директор, АИБАнинг тўрт йиллик муддат тугагандан сўнг, тузилган ҳисоботи учун жавобгардир.

50-Модда. Даромадлар

АИБАнинг асосий даромадлари;

- a) ўзининг ҳуқуқлари тўғрисидаги музокара даромадлари;
- b) субсидиялар, васият, тасодифий маош, бошқа манбалардан олинган даромадлар ва х.к;
- c) АИБА Аъзоларининг аъзолик баддаллари;
- d) ХОҚ тўлолари;
- e) жарималар;
- f) бошқалар.

51-Модда. Харажатлар

АИБА ўзига куйидаги харажатларни қабул қилади:

- a) Бюджетда келишилган харажатлар ;
- b) Конгресс томонидан тасдиқланган бошқа харажатлар шунингдек, ИҚ Бюроси ваколоти доирасида рухсат этилган харажатлар;
- c) АИБАнинг молиявий қоидалари билан боғлиқ барча харажатлар.

52-Модда. Бухгалтерлик ҳисобининг принциплари

АИБА ҳисоби, халқаро тан олинган, бухгалтерлик рўйхатга олиш принципларига асосланган базада бошқарилади.

53-Модда. Ташқи аудиторлар

1. АИБА малакали, мустақил фирма аудиторларини текширади.
2. Ушбу мустақил аудит фирмаси молиявий Комиссия томонидан тасдиқланган аудит ҳисобларини олиб боради ва Конгрессга маълумот беради. Тақдим этилган маълумотдан сўнг, Конгресс Ижроия Қўмитани тарқатиб юбориши мумкин.

7-Боб Мусобақа, турнир ва тақвим

54-Модда. Мусобақаларга ҳуқуқ ҳамда, бошқа турнирлар

1. АИБА, Конфедерация ва уларнинг Аъзолари, юрисдикция остида ўтказиладиган, бокс бўйича мусобақалар ва бошқа турнирларда келиб чиққан дастлабки барча ҳуқуқларнинг мулкдори ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқлар молиявий ҳуқуқнинг ҳар қандай кўриниши, аудиовизуал тиклаш ва радио ёзув, трансляция, мультимедик ҳуқуқлар, маркетинг ва тарғибот, шунингдек, интеллектуал ҳуқуқ жумладан, эмблема, ва авторлик ҳуқуқини ўз ичига олади.
2. АИБА, Конфедерация ва уларнинг Миллий Федерациялари, мусобақа, турнир ва бошқа намоишларни трансляция қилишга рухсат беради.

Жаҳон Чемпионатлари

Жаҳон Чемпионати, ўсмирлар ўртасидаги жаҳон Чемпионати, ёшлар ўртасидаги жаҳон Чемпионати, жаҳон Кубоги, Олимпия саралаш турнирлари, АИБА матчлари, хотин-қизлар жаҳон Чемпионати ёки келажакда ташкил этилиши мумкин бўлган мусобақаларга алоқадор барча ҳуқуқлар АИБАга тегишлидир.

Континентал ёки Регионал чемпионатлар

Континентал Конфедерация ёки қитъадаги регионал орган томонидан ташкил этилган Континентал ёки Регионал Чемпионатларга оид ҳуқуқлар, муносиб Конфедерация ёки Регионал органга тегишли ҳисобланади.

Миллий Чемпионат

Миллий турнирларга оид барча ҳуқуқлар, уларни ташкил этадиган Миллий Федерацияга тегишлидир.

3. АИБА рухсатисиз ҳеч ким Конфедерация, Регионал ва Миллий Федерацияларни ҳисобга олган ҳолда, АИБАнинг ҳуқуқлари, номи, логотип ва бошқа шахсий интеллектуал объектларидан фойдаланишга ҳақли эмас.
4. Ижроия Қўмита қандай чегараларда ҳуқуқдан фойдаланиш мумкинлиги масаласини ҳал қилади шунингдек, бунинг учун алоҳида регламент тайёрлайди. Ижроия Қўмита ҳар бир халқаро (Континентал ёки Регионал) турнир учун тўловлар суммаси тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Ижроия Қўмита, ушбу ҳуқуқлар яқка ёки учинчи томон билан шунингдек, бутунлай учинчи томон орқали фойдаланилиши мумкинлиги масаласини ҳал этади.

55-Модда. Халқаро мусобақалар

1. Ижроия Қўмита халқаро мусобақаларни ташкил этиш бўйича қоидаларни эълон қилиш учун маъсулдир.
2. АИБАнинг рухсатисиз ҳеч қандай халқаро мусобақалар ўтказилмайди.

56-Модда. Тақвим

Ижроия Қўмита, Конфедерация ёки Миллий Федерация фаолиятига мувофиқ тақвим бўйича халқаро мусобақалар тўғрисида қарор қабул қилади.

8-Боб ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР

57-Модда. Интизомий чоралар

1. Миллий Федерация ёки алоҳида шахсга нисбатан қўлланадиган интизомий чоралар:
 - a) огоҳлантириш;
 - b) хайфсан;
 - c) жарима;
 - d) мукофотларни қайтариш
 - e) боксчини вазифасидан бўшатиш;
 - f) бажарётган фаолиятдан вақтинчалик ёки доимий четлатиш; (рефер, хакам, расмий шахс ва б.р.);
 - g) боксга алоқадор фаолият билан шуғулланишга тақиқ;
 - h) АИБАдан четлатилиш.

2. Барча Интизомий чоралар бўлиши мумкин.
3. Интизомий чора кодекси алоҳида тайёрланади.

58-Модда. Вақт бўйича чеклов

Интизомий чоралар Кодекси интизом маъсулияти ҳамда, интизомий чоралар қўллашга нисбатан вақт бўйича чекловни ўрнатади.

9-Боб ТАШҚИ ЮРИДИК ОРГАНЛАРНИНГ АИБА ОРГАНЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИ

59-Модда. Спорт ҳакамлик суди (CAS)

1. АИБА, Лозанна (Швейцария)да штаб-қароргоҳга, АИБА юридик органлари томонидан қабул қилинган АИБА қарорлари, шунингдек, АИБА Конфедерацияси, Миллий Федерациялари томонидан қабул қилган қарорлари бўйича апелляция учун ягона инстанция сифатида Спорт ҳакамлик суди (CAS)ни тан олади.

CAS техник қоидаларни бузиш, 3 ойгача четлатиш (допинг қарорларидан ташқари) каби масалаларни кўриб чиқмайди.

2. Оддий судга муружаат этиш тақиқланади (мамлакат қонуни бўйича мажбурий бўлмаса).
3. Апелляция CAS Спорт Арбитраж регламентига мувофиқ тақдим этилади. Апелляция, кўриб чиқилган масала бўйича ёзма билдиришнома берилган санадан 30 кун ичида CASга тақдим этилади. Апелляция тақиқ хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас. АИБанинг тегишли органи ёки CAS, апелляция тақиқ хусусиятига эга бўлишини тассаруф этади.
4. CAS асосан, АИБанинг турли ҳил қоидалари ҳамда, Швейцария қонунларини қўллайди.

60-Модда. CAS эътирофи

Конфедерация ва Аъзолар CASни мустақил юридик орган сифатида эътироф этишади. CAS томонидан қабул қилинган қарорларни Конфедерация аъзолари, боксчилар, боксчиларнинг лицензияланган вакиллари, расмий шахслар томонидан бажарилишини Конфедерация ҳамда, Миллий Федерация назорат қилади.

61-Модда. АИБА қарорларининг ижроси

Конфедерация ва АИБанинг Аъзолари, АИБанинг тегишли органлари томонидан Устав қоидаларига мувофиқ қатъий қабул қилинган ҳар қандай қарорни амалга оширади. Конфедерация ва Миллий Федерациялар, органлар, боксчилар, расмий шахслар шунингдек, боксчиларнинг лицензияланган вакиллари томонидан ушбу қарорлар бажарилишини назорат қилади.

62-Модда. Санкциялар

Юқорида кўрсатилган тартибларни бузиш ҳолатида АИБА Интизомий Кодекси орқали жазоланади.

10-Боб. ТАРҚАТУВ

63-Модда. Тарқатиш тартиби

АИБани тарқатиш учун Навбатдан ташқари йиғилиш чақирилиши лозим. АИБани тарқатилиши учун, Навбатдан ташқари йиғилишда иштирок этаётган Миллий Федерацияларнинг тўртдан уч қисми қарорни қўллаб қувватлашлари лозим.

64-Модда. Активларни тугатиш.

АИБА тарқатилган ҳолда, унинг активи штаб-қароргоҳ жойлашган мамлакат бошқарувига берилади. Бошқарув АИБА тикланган муддатгача унинг активларини ишончли бошқармада сақлайди

11-Боб. ЎТИШ ДАВРИ ВА ЯКУНИЙ ТАРТИБ

65-Модда. Фойдаланиш ҳуқуқи

Ижроия Қўмита айти пайтдаги Устав талабларини қўллаш учун зарур чораларни амалга ошириши мумкин.

66-Модда. Ўтиш даври қондаси

1) Ижроия Қўмита ИҚ Бюроси Аъзоларининг сони

Ижроия Қўмита Аъзоларининг сонини аниқлаб берадиган қондалар қуйида кўрсатилгандек аста-секин кучга киради:

А. Янги Уставни қабул қилгунга қадар шунингдек, 2010 йилгача.

І. 2010 йилгача аниқ сонини сақлаб туриш.

33-Модда. Ижроия Қўмита таркиби.

1. Ижроия Қўмита 33 нафар қуйидаги Аъзодан ташкил топган: Бош котиб лавозими бекор қилинади; Президент, 9 нафар вице-президент ҳамда, Конгресс томонидан таинланган 17 нафар Аъзо (, ҳар бир таинланган Конфедерациядан Океания ИҚ аъзосидан ташқари 4 нафар ИҚ аъзоси), Конгресс томонидан таинланган 4 нафар ИҚнинг бошқа аъзолари, тиббий комиссия ва хотин-қизлар комиссиялари раиси.

Президент таклифига кўра Ижроия Қўмита Вице-Президентлардан бирини Ижрочи Вице-Президент лавозимига сайлайди.

2. Алоҳида ҳолатларда Ижроия Қўмита шахсий тартибда йиғилишда иштирок этадиган, лекин овоз бериши ҳуқуқига эга бўлмайдиган қўшимча аъзоларни таинлайди. Ижроия Қўмита ҳар бир қўшимча аъзони сайлашни асослаб бериши лозим.
3. Ижроия Қўмитанинг барча аъзолари турли ҳил Миллий Федерацияларни таништириши лозим. Ижроия Қўмита аъзолари бир вақтнинг ўзида юридик орган аъзоси бўла олмайдилар.

II. Кворум

41-Модда. Кворум.

1. Ижроия Қўмита 13 нафардан кам бўлмаган аъзо қатнашаётган бўлса, йиғилиш ўтказиши мумкин.

С. Сайлов-2014

I. Ижроия Қўмита аъзоларини қисқартириш

33-Ижроия Қўмита таркиби

1. Ижроия Қўмита Конгресс томонидан таинланган 15 нафар аъзодан ташкил топган: Президент, 5 нафар вице-президентлар (бир нафар алоҳида танланган Конфедерация Аъзосидан; бир нафар Африка, Америка, Осиё, Европа ва Океаниядан) ҳамда, 9 нафар Аъзо (ҳар бир Конфедерациядан икки нафардан, Океаниядан 1 нафар) Президент таклифига кўра, Ижроия Қўмита вице-президентлардан бирини, Ижрочи Вице-Президент лавозимига таинлаш ҳуқуқига эга.
2. Ижроия Қўмита алоҳида ҳолатларда, шахсан қўшимча равишда Аъзоларни далил асосида таинлаши мумкин. Қўшимча равишда таинланган Аъзолар, йиғилишларда иштирок этади, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ижроия Қўмитанинг ҳар бир Аъзоси алоҳида Миллий Федерацияни таништириши лозим. Ижроия Қўмита Аъзоси, АИБА юридик органининг Аъзоси ҳисобланмайди.

II. Кворум

41-Модда. Кворум

1. Ижроия Қўмита, Аъзоларнинг 9 нафари иштирок этган тақдирда йиғилиш ўтказади.
2. ИК Бюроси, Аъзоларнинг 3 нафари иштирок этган тақдирда йиғилиш ўтказади.

2) Қонуний ваколатларни вақтинчалик Ижроия Қўмитага вакиллаштириш.

1. Кейинги 2010 йилда ташкил этиладиган Конгрессгача, Ижроия Қўмита АИБА қоидаларини ўзгартириш, янги қоидаларни қабул қилиб, уларнинг амалга ошиш муддатини белгилайди:
 - Уставни тартибга солишни қўлловчи қоидалар;
 - интизомий кодекс;
 - процессуал қоидалар.
2. Янги ёки ўзгартирилган қоидалар 2010 йилги Конгрессгача ўз қчини сақлаб туради. Конгресс ўз навбатида, ушбу қоидаларни тасдиқлаши, ўзгартириши, бекор қилиши ёки бошқа қоидаларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

67-Модда. Қабул ва кучга кириш санаси.

Айни пайтдаги Низом 2007 йил 22 октябрь Чикагода ўтказилган Навбатдан ташқари Конгрессда тасдиқланган. Ушбу Низом 2008 йилнинг 19 февралидан бошлаб кучга киради.

2010 йилга қадар фаолият юритадиган Комиссиялар рўйхати:

- Техник Комиссия;
- Суд Комиссияси;
- Тиббий Комиссия;
- Молиявий Комиссия;
- Ёшлар Комиссияси;
- Матбуот ва алоқалар бўйича Комиссия;
- Юридик Комиссия;
- Тренерлик Комиссияси;
- Хавфсизлик ва жиҳозлаш бўйича Комиссия;
- Илмий тадқиқотлар бўйича Комиссия;
- Жаҳон Чемпионатини ўтказиш бўйича Комиссия;
- Ҳотин-қизлар Комиссияси;
- Этика бўйича Комиссия;

-Спортчилар бўйича Комиссия;
-Маркетинг Комиссияси.